

**СЎЗ САНЪАТИ
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ
6 СОН, 3 ЖИЛД**

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ
ИСКУССТВО СЛОВА
НОМЕР 6, ВЫПУСК 3**

**INTERNATIONAL JOURNAL
OF WORD ART
VOLUME 6, ISSUE 3**



Бош муҳаррир:

Холбеков Муҳаммаджон

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Бош муҳаррир ўринбосари:

Тўхтасинов Илхом

ф.ф.д., доцент (Ўзбекистон)

Тахрир хайъати:

Назаров Бахтиёр

академик. (Ўзбекистон)

Якуб Умарўгли

ф.ф.д., профессор (Туркия)

Алмаз Улви Биннатова

ф.ф.д., профессор (Озарбайжон)

Бокиева Гуландом

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Миннуллин Ким

ф.ф.д., профессор (Татаристон)

Махмудов Низомиддин

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Керимов Исмаил

ф.ф.д., профессор (Россия)

Жўраев Маматкул

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Куренов Рахыммамед

к.ф.н. (Туркменистон)

Кристофер Жеймс Форд

Мичиган университети (АҚШ)

Умархўжаев Мухтор

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Мирзаев Ибодулло

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Болтабоев Ҳамидулла

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Дўстмухаммедов Хуршид

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Лиходзиевский А.С.

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Сиддикова Ирода

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Шукашвили Тамар

ф.ф.д. (Грузия)

Юсупов Ойбек

масъул котиб, доцент (Ўзбекистон)

Главный редактор:

Холбеков Муҳаммаджон

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Заместитель главного редактора:

Тухтасинов Илхом

к.ф.н., доцент (Ўзбекистон)

Редакционная коллегия:

Назаров Бахтиёр

академик. (Ўзбекистон)

Якуб Умар оглы

д.ф.н., профессор (Туркия)

Алмаз Улви Биннатова

д.ф.н., профессор (Азербайджан)

Бакиева Гуландом

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Миннуллин Ким

д.ф.н., профессор (Татарстан)

Махмудов Низомиддин

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Керимов Исмаил

д.ф.н., профессор (Россия)

Джураев Маматкул

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Куренов Рахыммамед

к.ф.н. (Туркменистон)

Кристофер Джеймс Форд

Университет Мичигана (США)

Умархаджаев Мухтар

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Мирзаев Ибодулло

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Балтабоев Ҳамидулла

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Дўстмухаммедов Хуршид

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Лиходзиевский А.С.

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Сиддикова Ирода

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Шукашвили Тамар

д.ф.н. (Грузия)

Юсупов Ойбек

отв. секретарь, доцент (Ўзбекистон)

Editor in Chief:

Kholbekov Muhammadjan

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Deputy Chief Editor

Tuhtasinov Ilhom

Ph.D. Ass. Prof. (Uzbekistan)

Editorial Board:

Bakhtiyor Nazarov

academician. (Uzbekistan)

Yakub Umarogli

Doc. of philol. sci., prof. (Turkey)

Almaz Ulvi Binnatova

Doc. of philol. sci., prof. (Azerbaijan)

Bakieva Gulandom

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Minnulin Kim

Doc. of philol. sci., prof. (Tatarstan)

Mahmudov Nizomiddin

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Kerimov Ismail

Doc. of philol. sci., prof. (Russia)

Juraev Mamatkul

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Kurenov Rakhimmamed

Ph.D. Ass. Prof. (Turkmenistan)

Christopher James Fort

University of Michigan (USA)

Umarkhodjaev Mukhtar

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Mirzaev Ibodulla

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Boltaboev Hamidulla

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Dustmuhammedov Khurshid

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Lixodzievsky A.S.

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Siddiqova Iroda

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Shukashvili Tamar

Doc. of philol. sci. (Georgia)

Yusupov Oybek

Ass. prof. (Uzbekistan) - Senior Secretary

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

Адабиётшунослик / Литературоведение / Literary criticism

1. Абдуллаева Ровияжон НАВОИЙ ВА ГЁТЕ: ҲАЁТИЙ МУШТАРАК НУҚТАЛАР.....	5
2. Атамуродова Феруза ЖЕЙМС ЖОЙС ВА ЖОН ГОЛСУОРСИ АСАРЛАРИДА ХАРАКТЕР МАСАЛАСИ.....	14
3. Ахмедова Шоира ЎЗБЕК ВА ФРАНЦУЗ АДАБИЁТШУНОСЛИГИДА ПОРТРЕТНАВИСЛИК ТАРАҚҚИЁТИ.....	21
4. Норкулова Шаҳноза АЛИШЕР НАВОИЙ ҲАЗАЛЛАРИДА КЎЗ ТИМСОЛИ.....	29
5. Турсунова Наргиза АЛЬБЕР КАМЮНИНГ «АТИПИК» РОМАНИ.....	34
6. Holbekov Mukhammadjon PERCEPTION AND INTERPRETATION OF CREATIVITY OF ALISHER NAVOI IN FRENCH ORIENTAL STUDIES.....	40
7. Холиков Баходир ИЖТИМОЙ-АХЛОҚИЙ МУАММОЛАРНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНИДА ЁЗУВЧИ ИНДИВИДУАЛЛИГИ.....	51
8. Сайымбетов Шарафатдин XX ЭСИР ЕКИНШИ ЯРЫМЫ ҚАРАҚАЛПАҚ ПОЭМАЛАРЫНДА ТРОПЛАРДЫҢ ҚОЛЛАНЫЛЫҢ ЎЗГЕШЕЛИКЛЕРИ.....	57
9. Эрназарова Гулноза ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИНИНГ МЕДИАТИВ ТАРИХИЙ АСОСЛАРИ.....	63

Тилшунослик / Языкознания / Linguistics

10. Абдурахимова Феруза Бохадировна БАЪЗИ СТИЛИСТИК ВОСИТАЛАРНИНГ УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ ХУСУСИДА.....	68
11. Абузалова Меҳринисо, Аҳмадова Умидахон ПЕРИФРАЗЛАР ВА УНГА ЁНДОШ ҲОДИСАЛАР ХУСУСИДА.....	76
12. Анарбаев Орзубек ИНГЛИЗ ТИЛИДА НЕОЛОГИЗМЛАР ҲОСИЛ БЎЛИШИДА КЎШМА СЎЗЛАР САМАРАДОРЛИГИГА ДОИР.....	82
13. Ахмедова Гулноза ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ҚОЛИП-ГАПЛАРНИ ҚИЁСЛАБ ЎРГАНИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ.....	88
14. Зоиров Алишер НЕМИС ТИЛИДА ТАКСИС-ЗАМОН ИФОДАСИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗБЕКЧА МУҚОБИЛЛАРИ.....	98
15. Кошева Дилрабо ИНГЛИЗ ТИЛИДАГИ НУТҚ ФЕЪЛЛАРИНИНГ ЛЕКСИКОГРАФИК ТАЛҚИНИ.....	106
16. Маматова Феруза ЭВФЕМИЗМЛАРНИНГ ТАЪРИФИ ВА ҚЎЛЛАНИЛИШИ.....	116
17. Очилова Меҳринисо ЭЛЕКТРОН ЛУҒАТ – ЛЕКСИКОГРАФИЯ РИВОЖИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ МАҲСУЛИ.....	124
18. Рисаева Оксана АСПЕКТУАЛЬНЫЕ СИТУАЦИИ С УЧАСТИЕМ СОЧЕТАНИЙ С ФУНКЦИОНАЛЬНЫМ ГЛАГОЛОМ GEBEN В СОВРЕМЕННОМ НЕМЕЦКОМ ЯЗЫКЕ.....	131

19. Хамидов Лутфулло БАНК ФАОЛИЯТИГА ОИД МАТНЛАРНИНГ ЛЕКСИК ХУСУСИЯТЛАРИ.....	136
20. Хасанова Гулрух ДИАЛОГИК НУТҚ ШАКЛЛАРИ ҲУСУСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР.....	145
21. Якубова Ноира ТУРИЗМГА ОИД ТЕРМИНЛАРНИНГ ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ СЎЗ БИРЛИКЛАРИНИНГ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИ.....	152
22. Яхъяева Наврўза, Урунов Бекзод МЕДИАМАТН – АХБОРОТНИНГ СИФАТИНИ БЕЛГИЛОВЧИ ВОСИТА.....	158

Таржимашунослик / Переводоведение / Translation Studies

23. Мухамедов Азизбек ЕВРОПА ВА ЎЗБЕК ТАРЖИМАШУНОСЛИГИ ТАРАҚҚИЁТИ (1991-2019 ЙИЛЛАР).....	165
24. Насырова Саодат ПЕРЕВОД ОБЩЕСТВЕННО-ПОЛИТИЧЕСКОЙ ТЕРМИНОЛОГИИ КИТАЙСКОГО ЯЗЫКА КАК ПРОЦЕСС НОРМОТВОРЧЕСКОЙ ПРАКТИКИ В КОНТЕКСТНЫХ МОДЕЛЯХ.....	172
25. Tursunkulov Sanjar TARJIMADA O'ZIGA XOS STILISTIK JIHATLARNING REALIYALAR YORDAMIDA BERILISHI.....	183
26. Элова Умида “ГАЙАВАТА ҲАҚИДА ҚЎШИҚ” ДОСТОНИ ТАРЖИМАЛАРИДА ЎЗИГА ХОС ХИЛМА – ХИЛЛИКНИНГ АКС ЭТТИРИЛИШИ ВА ТАРЖИМА МАСАЛАЛАРИ.....	190

Санъат ва Журналистика / Искусство и журналистика / Arts and Journalism

27. Мусаева Нодира АХБОРОТ АГЕНТЛИКЛАРИ ФАОЛИЯТИДА МАНИПУЛЯЦИОН СТРАТЕГИЯЛАР АҲАМИЯТИ.....	199
--	-----


Лингводидактика ва методика / Лингводидактика и методика / Lingvodidactics and Methods

28. Вохидова Нигора ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИННОВАЦИОННЫХ МЕТОДОВ ОБУЧЕНИЯ НА УРОКАХ РУССКОГО ЯЗЫКА В ГРУППАХ С НЕРУССКИМ ЯЗЫКОМ ОБУЧЕНИЯ.....	204
29. Арзикулова Хуршида “СИД” ТРАГИКОМЕДИЯСИ ҚАҲРАМОНЛАРИНИНГ ХАЛҚПАРВАЛИГИ.....	213
30. Палымбетов Камалбай Сарсенбаевич «ҚОБЛАН» ДӘСТАНЫНДА ПАРАЛЛЕЛИЗМЛЕРДИҢ ҚОЛЛАНЬЛЫҰЫ (Қарақалпақ версиясы мысалында).....	220
31. Азимова Сайёра Хусанбоевна НУТҚ АКТЛАРИ ВА КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНЦИЯ: “РАД ЖАВОБИНИ БИЛДИРУВЧИ” ИЛЛОКАТЦИОН ҲАРАКАТНИ ПРАГМАТИК ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ.....	227
32. Шарипова Дилноза Шавкатовна РАМЗ ВА МЕТАФОРАНИНГ ЎЗАРО МУНОСАБАТИ.....	232
ИЛМ ВА ТАЪЛИМГА БАХШИДА УМР.....	239

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Холиков Баходир Аликулович,
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат
Ўзбек тили ва адабиёти университети
Таржима назарияси ва амалиёти кафедраси мудири
e-mail: xolikovb@gmail.com

ИЖТИМОЙ-АХЛОҚИЙ МУАММОЛАРНИНГ БАДИЙ ТАЛҚИНИДА ЁЗУВЧИ ИНДИВИДУАЛЛИГИ

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2020-6-7>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада детектив адабиётида ижтимоий-ахлоқий муаммоларнинг бадий талқинида ёзувчи индивидуаллиги ҳақида илмий хулосаларга таянилган ҳолда Марио Пьюзонинг “Чўқинтирган ота” (Godfather) ва Тоҳир Маликнинг “Шайтанат” асарлари мисолида сўз юритилади. Мақолада бадий асар воқелиги билан реал воқелик муносабатлари давр контекстида ўрганишга қаратилган. Турли даврларда яратилган бу асарлар мазмунини тушуниш жараёнида қиёсий методдан фойдаланилган.

Таянч сўзлар: ижтимоий-ахлоқий, оила, аёл, Сицилия, муносабат, Дон Корлеоне, Асадбек, Майкл, Кей, Зайнаб, Марио Пьюзо, “Чўқинтирган ота”, Тоҳир Малик, “Шайтанат”

Холиков Баходир Аликулович,
Заведующий кафедрой Теории и практики перевода
Ташкентского государственного университета
узбекского языка и литературы имени Алишера Навои
e-mail: xolikovb@gmail.com

ИНДИВИДУАЛЬНОСТЬ ПИСАТЕЛЯ В ХУДОЖЕСТВЕННОЙ ИНТЕРПРЕТАЦИИ СОЦИАЛЬНО-ПРАВСТВЕННЫХ ПРОБЛЕМ

АННОТАЦИЯ

В статье анализируется индивидуализация писателя интерпретации социально-моральная проблема детективной литературы с помощью научных выводов. К примеру обращается произведение Марио Пьюзо "Крестный отец" и Тахира Малика "Шайтанат" в детективного жанра. Статья посвящена изучению взаимосвязи между реальностью произведения и реальностью жизни в контексте периода. Сравнительный метод использовался в процессе понимания содержания этих работ, созданных в разные периоды.

Ключевые слова: социально-нравственный, семья, женщина, Сицилия, отношение, дон Корлеоне, Асадбек, Майкл, Кей, Зайнаб, Марио Пьюзо, “Крестный отец”, Тахир Малик, “Шайтанат”.

Kholikov Bakhodir Alikulovich,
Head of the Theory and Practice of Translation
department of Alisher Navo'i Tashkent State
University of the Uzbek Language and Literature

WRITER'S INDIVIDUALITY IN THE LITERARY INTERPRETATION OF SOCIAL AND MORAL PROBLEMS

ANNOTATION

The article examines the question of writer's individuality in the literary interpretation of social and moral problems in detective novels on the examples of works "The Godfather" by Mario Puzo and "Shaytanat" by Tahir Malik. The article focuses on the study of the relationship between the reality of a work and reality of life in the context of the period. The comparative method was used in the process of understanding the content of these works, created in different periods.

Key words: social and moral, family, woman, Sicily, relationship, conscience, Don Corleone, Asadbek, Michael, Kay, Zaynab, Mario Puzo, The Godfather, Tokhir Malik, Shaytanat

Бадий асар қийматини белгиловчи муҳим омиллардан бири унда ижтимоий-ахлоқий масалалар қанчалик маҳорат билан ёритилгани ҳисобланади. “Чўқинтирган ота” ва “Шайтанат” асарларида адиблар ўзлари мансуб жамиятдаги ижтимоий-ахлоқий муаммоларни бадий талқин қилишга эришган.

Баъзан шарқда одоб-ахлоқ ғарбадига нисбатан анча юксак, деган тушунчани мутлақлаштириш кўзга ташланади. Ҳозиргача бу борада йиғилган тажрибалар ушбу фикрни мутлақ ҳақиқат сифатида тасдиқламайди. Тўғри, шарқ дунё тамаддунининг бешиги. Лекин ижтимоий-ахлоқий принципларга бир тарафлама ёндашиш масаланинг оқилона ечими бўла олмайди. Илло, шарқ халқларида ҳам ғарб аҳолисида ҳам ўзига хос фазилатлар борки, буни иккинчи тараф ўзлаштириб олса арзийди ва айни чоқда уларнинг ўзларигагина хос бўлган кусурлари ҳам мавжудки, улардан тўғри хулоса чиқариб, узоқлашмоқ лозим.

Тадқиқот объекти сифатида олинган ғарб ва шарқ адабиётига мансуб икки асар муаллифи рақурсидан туриб, жамиятдаги маънавий-ахлоқий принципларни таҳлил этиш айни ана шу ҳақиқатнинг амалий аҳамиятига хизмат қилади.

Ушбу икки асар қахрамонларининг бевосита жамият асоси бўлган оилага ва оила таянчи ҳисобланувчи аёлларга муносабатига назар солинса, уларнинг сиймосида оила ва аёлга шарқона ва ғарбона ёндашув намоён экани кўзга ташланади. Чунончи, “Чўқинтирган ота”да дон Корлеоненинг аёлларга ўралашигани ҳақида бирор ўринда ишора йўқ. Демак, у бу масалада покдомон. Лекин унинг болалари билан аёллар масаласида гаплашганида бир оз бошқачароқ, яъни ғарбона манзара кўзга ташланади. Жумладан, қизи Коннининг тўйига яхши кўрган қизи Кей Адамсни етаклаб келган кенжа ўғли Майклга дон тўй тарқаётганда бундай дейди:

– Сени нималар қизиқтиришини мен билмайман, деб ўйлайсанми? Ёмон нарсани раво кўрмайман. Ҳозирча эса хоҳлаган ишингни қилавер – эркаксан, ахир. Лекин ўқишни битирганингдан кейин ўғилга ўхшаб олдимга кел [1, 46].

Виргилий Солоццо билан бўлган учрашувда ўта жиддий масалада сўз бораётганда хато гапириб қўйган катта ўғлига эса:

– Сантино, режаларингни, ўй-фикрларингни ҳеч қачон нотаниш одамга айтма. Бегона одамларга сирингни берма. Анови қиз билан ҳаддан ортиқ ўралашиб қолганинг туфайли ҳам миянг яхши ишламаяпти. Бас қил, иш билан шуғуллан, энди эса бор [1, 82], дейди.

Корлеонелар даврасида аёллар гўзаллиги, уларнинг ишқий саргузаштларининг муҳим масалаларга дахли бўлмасди [1, 66], деб ёзади муаллиф. Бундан аён бўладики, бу оила тизгини ҳар доим эркаклар қўлида бўлган ва аёлларни ҳар нарсага аралаштираверилмаган.

Бу ҳолатни доннинг оиласидаги аёлларга бўлган мойиллик ёки бўлмаса дон ўғилларининг аёлларга ишқибозлигига бефарқлиги деб тушунмаслик керак. Жамиятнинг

аҳволи шундай. Ўша кезлардаёқ Америка жамиятида аёл-эркак ана шу тарзда ошкора жазманчилик қилиб юравергани ифодаси бу. Булар ҳам ҳали ҳолва. Оскар мукофоти тақдимотидаги воқеа ҳаммасидан ошиб тушган “Тантана охирида кимнингдир миясига ажойиб фикр келди. Оскар мукофотида сазовор бўлганлар томошабинларнинг кўз олдида ишқий иш билан шуғулланадиган бўлишди.

Актрисани бирпасда қип-яланғоч қилиб ечинтиришди. Бир тўп аёллар Жонни Фонтейннинг кийим-кечагига ёпишишди. Бу маросимда якка-ёлғиз хушёр одам Нино эди. Шу пайт у ярим яланғоч Жоннини шарт елкасига кўтарди-да, одамлар орасидан ўтиб, ташқарига чикди ва уни машинага ётқизди”[1, 189].

Кино муҳим тарбия воситаларидан бири саналади. У одамларни эзгуликка, орномусга, уят-андишага ва бошқа яхшиликларга ўргатиши керак. Шундай экан, киночиларнинг ўзлари одамлар ибрат олишга лойиқ инсонлар бўлмоғи лозим. Лекин уларнинг мана бундай ҳаёсизликлари оқибатида кино тарбиявий аҳамиятини бой бериб, шунчаки томоша воситасига, вақтни ўлдирувчи бемаъни воситага айланиб қолади.

“Шайтанат”да ҳам суюқоёқ аёллар ва маишатбоз эркак персонажлар кўп. Улар панаскамларда кўнгилхушлик қилиб юради. Лекин жамият қошига очиқ чиқолмайди. Чунки бундай ахлоқсизликни жамият асло қабул қилмайди. “Шайтанат”да жиноятчиларни фош этишга киришган расмий идора детективларининг ҳаракатлари, шахсий ҳаётлари, ўйлари, кечинмалари ҳам кенг ёритилган. Бу, ўз ўрнида, асар қаҳрамонлари силсиласи боғланишида муҳим аҳамият касб этади. Масалан, Зоҳиднинг устози Анварнинг акаси, Анвар эса Элчиннинг дўсти, Элчин Асадбекнинг куёви. Шу тариқа образлар ўзаро боғланиб кетаверади. “Шайтанат” муаллифи жиноят олами вакилларининг тилини яхши ўзлаштиргани кузатилади. У жиноятчилар тилидан чиқаётган сўзларни шу қадар ўринли таърифлайдики, ўқувчи айтилаётган сўзнинг маъносини англаш баробарида ёзувчининг этикет чегарасидан чиқмаганига ҳам гувоҳ бўлади. Масалан, Кесакполвон Маҳмуднинг Асадбек касалини ундан яширганини билиб қолганидан кейин ғазабга минган ҳолатида ўз йигитларига дўк уриб сўкинганини ёзувчи бундай таърифлайди: “– Хў, аммамнинг бузоғи, нимага анқаясан?! – савол қуруқ бўлмасин, деб йигитларнинг оналарини бир сидра “эслаб”, “ўқиб ташлагач”, сал ҳовури пасайиб, яқинда карамлари йиғиштириб олинган, энди молларга роҳат бахш этаётган дала сари юрди”[2, 25].

Кўриниб турибдики, Кесакполвоннинг оғзидан чиққан гапларни ёзиб бўлмайди. Муаллиф унинг нима гапларни айтганини ифода этишнинг йўлини топа олган.

Ёзувчи жиноят олами ҳақида кўплаб материаллар тўплаган. Бу унинг айрим хулосаларида кўзга ташланади: “Элчин Ҳосилбойваччанинг олифтагарчилик қилишини кутган эди, аммо бунақа тўнкалик қилар, деб ўйламовди. Бундай “лутф”га эътибор бермаган бўлиб, икки қадам нарида турганича ўйинни кузатди. Шунда Шомилнинг билагидаги черков тасвири диққатини тортди. “Майда ўғрилардан экан-да”, деб қўйди” [2, 160].

“Ахтам ўғрилар оламига кириб, ҳали ўз ўрнини топмаган, етарли обрўга эришмаган эди. Юқори мартабанинг “козирили фраер”деб аталувчи босқичидан ўтган эди, холос. Шундай бўлса-да, ўғрилар қонунига сўзсиз амал қилишни ҳам одат қилганди. Ўғрилар оламининг мутлақ қонунига кўра, ҳатто балоғат ёшидан ўтган қизларни зўрлаш ҳам жиноят ҳисобланиб, оғир жазога муносиб кўриларди”[2, 504].

“Чўқинтирган ота” романидаги ижтимоий-ахлоқий принциплар Марио Пьюзо тасвирлаган қаҳрамонлар характерида ўзига хос тарзда намоён бўлса-да, бу борада марказий планда дон Корлеоне шахси туради. Дон жиноят оламининг ҳомийси. Лекин унинг тарбияли инсон экани, пасткаш ва тубан кимсаларга муносабатида ҳам сезилиб туради. Том Хейген кино корчалони Жек Вольц билан музокара олиб бориб қайтганида дон барча кўрганларини батафсил, ҳатто майда-чуйдаларигача сўзлаб беришни талаб қилади. Дон унинг сўзларини жим, мулоҳаза юритган ҳолда эшитар экан, Хейген “чиройли қизча ва унинг онаси ҳақида гапирганида нафратланиб пешонасини тириштирди. Сўнгра эшитилар-эшитилмас қилиб “infamita” деб тўнғиллади” [1, 71]. “Infamita” италиянчада “палид” деган маънони англатади.

Дон Корлеоне оилапарвар инсон эди. Маълумки, жамият оилалардан таркиб топади. Оилаларнинг мустаҳкамлиги – жамият барқарорлиги. Америкалик адиб ҳам, ўзбек адиби ҳам ана шунга урғу берган. Фақат бу ўринда нуқтаи назарлар бошқача. Ғарбга хос бўлган индивидуализм дон оиласидаги маънавий-ахлоқий тарбия масаласига таъсир этмай қолган эмас. Майклнинг ўз ихтиёри билан Кей Адамснинг қаллиқ сифатида танлаши ва ҳеч қандай андишасиз синглизининг тўйига у билан етаклашиб келиши, ўз навбатида қиз ҳам ҳали никоҳи бўлмади туриб, бу уйга тортинмай кириб келавериши ғарб мамлакатлари, жумладан, америка жамияти учун қай даражада табиий бўлса, ўзбек китобхони учун шунчалик ғайриодатий ҳол ҳисобланади.

Бироқ парадокс вазият: ўзбек асари қаҳрамонлари ҳаётида ана шу индивидуализмга хос бўлган бир ҳолат диққатни тортади – Асадбекнинг икки ўғли хорижда ўз тенгини топади. Бунга ота-она қандай қаради?! Манзура учун бу қутилмаган ҳол, унга қолса асло рози бўлмас эди. Лекин, Асадбек ўғилларининг уйланиш режасига эътироз билдирмади. Манзурага икки ўғлига келин топишдек ширин ташвиш бўлган совчилик либоси билан қўча кезмагани армон бўлди. Бинобарин, Абдусамад ва Абдулҳамиднинг хориждаги оилага куёв бўлиши уларнинг дунёқарашларига ғарб маданияти таъсир кўрсатганидан ҳам далолат дейиш мумкин.

Асадбекнинг бу таклифга рози бўлишининг сабаби фарзандларининг манфур жамиятдан, ўзи мансуб бўлган жиноят олампидан йироқроқ бўлиши учун уйланиб, ўша томонларда қолиб кетишига ҳам розилигидир.

Узоқ манзилдан уйланиш ҳодисаси “Чўқинтирган ота”да ҳам содир бўлади. Сицилияда қочқинда юрган Майкл маҳаллий қизлардан бирини севиб қолиб унга уйланмоқчи бўлади. Унинг уйланишига дон Томмазино қаршилик қилмоқчи бўлиб бу масалада дон билан маслаҳатлашиш керак, дейди. Майкл “...агар мен уйланмоқчи эканман – уйланаман. Шахсий ҳаётимга отамнинг аралашушига йўл қўймаганимдан кейин сизга йўл қўярмидим. Бу отамга нисбатан ҳурматсизлик бўлади” [1, 235], дейди.

Шу гап билан у Аполлонияга уйланади. Абдусамад билан Абдулҳамид она ватанидан йироқда, Германияда туғилиб улғайган ўзбек қизларига уйланса, Майкл Сицилиядаги, ўзининг она ватанидаги италян қизига уйланади. Бунда миллат ўзиники, одамлар ўзиники, фақат манзилу маконда фарқ бор, холос.

Буларнинг ўртасидаги фарқ шундаки, Абдусамад билан Абдулҳамид уйланиш учун ота-онасидан ўзлари тўғридан тўғри эмас, доктор Худоёрни воситачи қилиб изн сўрайди. Агар ота-онаси кўнмаса, болалар у қизларга уйланмайди.

Майкл эса шахсий ҳаётимга ҳеч кимнинг аралашушига йўл қўймайман, дея отасидан руҳсат ҳам сўраб ўтирмайди.

Ундан олдинроқ Майклнинг Америкада вақтидаги хатти-ҳаракатларини кузатар эканмиз, Абдулҳамид ва Абдусамаддан яна бир фарқли жиҳатига кўзимиз тушади. Кей Адамс италян эмас эди. Сицилияликлар анчайин ўз миллатларига садоқатли кишилар. Эҳтимол, шунинг учун Пьюзо ҳам дон қиёфасида ўз миллатдошларидаги миллатпарварликни намоён қилмоқчи бўлгандир. Шу сабабли сицилиялик бўлмаганлар Хейген каби фақат ўткир зехну идроки билангина бу оила, айниқса, дон Корлеоне эътиборини тортиши мумкин эди. Майклнинг қаллиғи Кей Адамсга келсак, уни ташки қиёфасининг ўзиёқ оила аъзоларида яхши таассурот қолдирмади:

“Майкл... севгилисини ҳамма билан, шу жумладан, қариндош-уруғлари билан ҳам таништириб чиқди. У озгин, оқ-сарикдан келган, ёш бўлишига қарамасдан ўзини ўта эркин тутарди. Булардан ташқари аёл киши учун унинг қиёфасидаги зийраклик, ўйноқлик ҳам ортиқча эди. Исми ҳам қандайдир ғайритабиий, кулоққа ёқимсиз эшитилади: Кей Адамс. Қиз унинг ота-боболари Америкага бундан икки юз йил олдин келишиб, ўрнашиб қолганлиги ва Адамс бу жойдаги оддий фамилиялардан бири эканлигини айтиши мумкин эди. Бироқ бундан стол атрофида ўтирганларга нима фойда?”

Албатта, бу ўринда ўзбек йигитлари билан америкалик ёшларни солиштириб бўлмайди. Муҳит ва оилавий муносабатлар умуман бошқа-бошқа. Майкл Корлеонининг асар бошидаги характери ва унга отасининг эътиборсизлик қилиши уни китобхон эътиборидан четда

қолдирмайди. Аксинча, Пьюзо айна шу муносабат билан истиқболдаги дон характерини кўрсатган эди. Кенжа ўғил отасининг таъсир доираси ва сарватининг катталигини била туриб, америкача ҳаёт йўлини танлади. Муаммоларни мустақил ҳал этиш, бошқаларнинг кўмагига қараб қолмаслик, айниқса, отаси йўлидан юрмаслик унинг ўз олдига қўйган асосий мақсади эди. Унинг характеридаги ана шу хусусият бошқалардан устунлигини намоён қилиб қўйганди. У отаси тутган йўлни хатарли ва жиноят йўли деб ҳисоблаган Майкл қайлиғига бундай дейди:

“...Лекин сен ота-онанга баъзи бир нарсаларни яхшилаб тушунтириб қўйишингга тўғри келади.

– Нимани тушунтиришим керак экан? – секин сўради Кей.

Майк сочини тараркан:

– Уларга чиқиб келиши италян бўлган бир йигит билан танишиб қолдим, ёмон йигит эмас, дейсан. Дортмунд дорифунунда ўқиётганимни айтасан. “Жанговар хизматлари учун” крести, “Қирмизи юрак” медали бор. Ҳалол меҳнаткаш йигит, дейсан. Лекин отаси жиноятчиларнинг бошлиғи, ёмон одамларни ўлдирди, баъзан юқори лавозимдагиларга пора ҳам бериб туради, шундай ҳоллар ҳам бўладики, иш юзасидан унга гоҳ-гоҳида ўқ узиб туришади, дейсан. Аммо буларнинг ҳаммаси унинг ҳалол ва меҳнаткаш ўғлига мутлақо дахлдор эмас, дейсан...” [1, 130].

Шу ўринда таржима хусусида ҳам қисқача тўхталиб ўтиш лозим. Ўзбек тилидаги таржимада баъзи ўринларда бир оз шошма-шошарликка йўл қўйилгандек туюлади. Масалан, айна мана шу иқтибосда рус тилидаги “происхождение” ёки инглиз тили вариантыдаги “descent” ўзбекчада “чиқиб келиши” эмас, “келиб чиқиши” деб берилса тўғри бўлади. Шунингдек, “brave”, русчадаги “бравый” – “жасур” сифати ўзбек тилидаги матнда акс этмаган. Яна “Жанговар хизматлари учун” крести – “Жанговар хизматлари учун” хоч ёки салб, дея таржима қилинганда тўғри бўларди.

“The Godfather” романи муаллифи ижтимоий-ахлоқий масалаларда қаҳрамонларнинг руҳий кечинмаларини деярли баён этмайди. Уларнинг фаолияти билан боғлиқ ўз талқинини ифодалайди. Шу билан бирга ахлоқий масалаларда табиий асосда “Шайтанат”дан фарқланади. Америка ёшларининг айрим енгилтакликларига уларнинг оталарининг муносабати ўзбекларнинг фарзандига бўлган муносабатидан анчагина фарқ қилади. Бунга бевосита синглизининг тўйи куни ва ундан кейин Сантино Корлеоне Люси Манчини билан бўлган ишқий муносабатини отасидан яширишга уринган бўлса-да, дон буни пайқаган эди. Лекин ўғлига ортиқча танбех бермади. Фақат бир ўринда Сантино нотўғри гапириб қўйганда ўғлига:

– Сантино... Анови қиз билан ҳаддан ортиқча ўралашиб қолганлигинг туфайли ҳам миянг яхши ишламаяпти” [1, 82], дейди.

Полиция капитани Макклоски ва Солоцони Майкл отиб ташлаб Сицилияга қочиб кетганидан сўнг Кей Адамснинг уйига шаҳар полциясидан иккита изқувар келади. Улар Кей билан чиқиша олмагач, қизнинг отаси мистер Адамсни чақириб унга қизининг Майкл билан анча вақтдан бери учрашиб юргани, меҳмонхоналарда бирга тунаб қолгани, ҳозирда Майкл Корлеоне полиция капитанини ўлдирганликда гумон қилиниб кидирувда экани, агар уларга Кей ёрдам бермаса, унга ёмон бўлиши мумкинлигини айтиб пўписа қилади. Шунда:

– Мен, сэр, сизнинг гапларингиз тўғрилиғига шубҳа қилаётганим йўқ, – деди мулойимлик билан мистер Адамс. – бошқа нарсага – қизимни катта кўнгилсизликлар кутаётганига ишониш қийин. Фақат, агар сиз унинг... – ота юзида шубҳаланиш ифодаси пайдо бўлди – нима эди, ҳа, гумонаси бор, деб айтмаётган бўлсангиз [1, 236], деб қувлик қилади мистер Адамс.

Ана ота ва қиз муносабатининг ғарбона кўринишларидан бири. Худди шундай ёндашув боис дон шарқ оиласидаги оталардан фарқли ўлароқ, ўғлининг енгилтак қизга ўралашиб қолганига деярли эътибор бермади. Чунки Ғарбда интим муносабатлар шахснинг эркин ҳукуки ҳисобланади. Агар Сантино Солоццо билан бўлган учрашувда душманга сир олдириб

қўймаганида, ота ўғлининг бу ҳаракатига умуман дашном бермаган бўлар эди. Негаки, дон ўғлига бераётган танбеҳнинг ўзиданок бу ҳолат аниқ ўз ифодасини топиб турибди.

Асадбек оиласида бундай ҳолат юз бергани кузатилмайди. Аксинча, Зайнабнинг гуноҳ кўчасига кириши бевосита унинг хоҳиш-иродаси билан юз бермагани, унинг энгил табиат киз эмаслигини ёзувчи ҳаётининг мисоллар билан тасвирлар экан, асл ўзбек аёлининг иффати, номуси қандай бўлишини изоҳлашга ҳаракат қилади. Асадбекнинг душманлари қизини гиёҳвандликка ўргатиб, уни энгилтак аёллар сирасига олиб киргани унинг қалбида оталик ғурурини поймол этади. Бу ишнинг бошида турган Ҳосилбойваччадан ўз қўли билан қасос олишни ҳаяллатмайди. Бундан ташқари, Асадбек ўғиллари тарбияси масаласига ҳам ўз мавқеини унутмаган ҳолда ёндашади. Аксар ҳолларда бадавлат оила фарзандлари эрка, тантик, исрофгар, ўз тумшуғи тагидан узоқни кўра олмайдиган бўлиб вояга етиши кузатилади. Асадбекнинг оиласи ана шундай фаровон турмуш тарзига эга бўлган оила эди. Лекин фарзандлари одобли-ахлоқли, илмли-маърифатли инсонлар бўлиб вояга етди. Бунга, аввало, Асадбекнинг қаттиққўллиги асос бўлган эди.

Хулоса тарзида шуни таъкидлаш мумкинки, тадқиқ этилаётган ҳар икки асарда ижтимоий-ахлоқий муаммоларнинг бадиий талқинида ёзувчиларнинг ўзига хослиги ифодасини топган. Хусусан, “The Godfather” ҳамда “Шайтанат”да жамиятнинг муҳим бўғини бўлган оила институти ва аёлларга муносабатлар масаласи кенг ёритилган. Шунингдек, персонажларнинг ички туйғулари ва мақсадлари билан бирга ижтимоий-ахлоқий масалалар воқеликка монанд тарзда бадиий асосда талқин этилган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Пюзо, Марио. Чўқинтирган ота ёки мафия сардори. Т.Адашбоев, М.Ўринбоев таржимаси. –Т.: Шарқ, 2000. - 416 б.
2. Малик, Тохир. “Шайтанат” романи (5-китоб). –Т.: Шарқ, 2011. – 640 б.
3. Зиновьев, А.А., Ревзин И.И. Логическая модель как средство научного исследования // Вопросы философии. - 1960. - №1. - С.82-90.
4. Баториев, К.Б. Аналогии и модели в познании. – Новосибирск: Наука, 1981. – 319 с.
5. Гастев, Ю.А. О гносеологических аспектах моделирования/ В кн.: Логика и методология науки – М.: Наука, 1967. - С.34-53
6. Штофф, В.А. Моделирование и философия- М.-Л.:Наука,1966. – 301 с.

СЎЗ САНЪАТИ
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ
6 СОН, 3 ЖИЛД

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ
ИСКУССТВО СЛОВА
НОМЕР 6, ВЫПУСК 3

INTERNATIONAL JOURNAL
OF WORD ART
VOLUME 6, ISSUE 3